# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 8-AVGUST, PAYSHANBA, 96 (8177)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонига мувофиқ:**

**1.** Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2013 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 9 август жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2013 йил 9 август дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

**2.** Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

**3.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 7 август*




Бухоро Вилояти

## КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

**Ундан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларда кенг фойдаланилаяпти.**

Шофирконлик тадбиркор Улуғбек Султонов раҳбарлик қилаётган корхонада черепица ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Туман саноатини ривожлантириш дастурига мувофиқ ишга туширилган цехда йилига 80 минг метр қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти бор. Лойиҳанинг умумий қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, цех энг замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган.

"Қишлоқ қурилиш инвест" компаниясининг вилоят бўлими бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий буюртмачиси саналади. Ҳозирда вилоят ҳудудидаги қишлоқ жойларида қурилаётган янги уй-жойлар томи мазкур цехда тайёрланаётган черепицалар билан қопланмоқда.

Шунингдек, лойиҳанинг амалга оширилиши 10 нафар ёшлар учун янги иш ўрни яратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Ҳамроз АЛИ**

Навоий Вилояти

## ФАОЛИЯТ ТУРИ КЕНГАЙДИ

**"Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли "Zarafshon ip yigiruv" корхонасида ўтган йили 64 тонна ип-калава ишлаб чиқарилди.**



Дилмурод НУРХОНОВ олган сурат.

Хориждан олиб келинган технологиялар ёрдамида бир кунда 450-500 килограмм хомашёни қайта ишлаш қувватига эга корхона жамоаси жорий йилнинг 6 ойи мобайнида буюртмачиларга 36 тонна ип-калава етказиб беришга эришди. Корхонада маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, фаолиятни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бинобарин, технологияларни бошқариш учун асосан, касб-ҳунар коллежларини битирган иқтидорли ўғил-қизлар ишга қабул қилиняпти. Бу ерда 43 нафар маҳаллий ёш иш билан банд. Келгусида корхонага янги технология олиб келиниб, турли матолар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

**Азимжон ХУШВАҚОВ**

**Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

## МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

**Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Аслида, бундай қутлуғ даврни йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар, янгиланишлар, ислоҳотлар самараси билан ўлчаш ўринлидир. Зеро, шу қисқа фурсатда қўлга киритилган ютуқларга назар ташласак, уларнинг натижасидан кўнглимиз ифтихорга тўлади.**

Дарҳақиқат, тарихан қисқа, шу билан бирга асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби банк тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада ўта қисқа даврда мустаҳкам иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий асос ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган, халқаро андозаларга тўлиқ мос келувчи, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб, у юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, модернизациялаш жараёнларида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди.

Шубҳасиз, бунда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг "ўзбек модели" бош мезон бўлди. Бинобарин, мазкур стратегик дастур давлат қурилишини тубдан янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб бориш тамойилларига асосланганди.

### ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМИ

Ортда қолган йилларни сарҳисоб қилганда, шунга гувоҳ бўламизки, маъмурий-буйруқбозлик ва режали-тақсимот тамойиллари ҳукмрон бўлган тизим ўрнига тамомила янги – эркин бозор муносабатлари ва тамойилларига асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш ўз-ўзидан, бир текисда ва осон кечгани йўқ. Бу йўлда жиддий муаммолар, тўсиқлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни мардонавор енгиб ўтишга тўғри келган эди. Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли асарини мутолаа қилар эканмиз, халқимиз бахт-саодати, эртанги кунини ўйлаб бошланган ана шу оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз.

Чиндан ҳам, бундан йигирма икки йил аввалги ҳолатни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Ўша даврларда кучли марказлаштирилган, режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимини тугатиш, ривожланган бозор институтлари, механизмларини шакллантириш ва қарор топтириш, иқтисодий мустақилликка эришиш билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, зарур хизматлар ва озиқ-овқат таъминоти узилишларига йўл қўймаслик каби ҳаётий вазифалар кун тартибида долзарб бўлиб турган эди.

Мустақиликка эришилгандан кейин олдимизда янги истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд таркибини ўзгартириш, табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш орқали эркин конвертацияланадиган валютани ўз кучимиз билан топишдек асосий вазифа турар эди.

Бундай мураккаб вазифани бажариш учун, энг аввало, нефть ва ғалла мустақиллигига эришиш, нефть ва газ, тўқимачилик, электротехника, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш зарур эди.

Биргина 1994 йилнинг ўзида чет мамлакатлардан 674 миллион АҚШ долларига тенг нефть маҳсулотлари ва 430 миллион долларлик ғалла сотиб олинди. Бу эса ўша даврдаги умумий импорт ҳажмининг мос равишда 25 ва 16 фоизини ташкил этар эди.

Агар кейинчалик нефть ва ғалланинг жаҳон бозоридаги нархлари анчагина кўтарилганлигини ҳамда маҳсулотларни бошқа ҳамдўстлик давлатлари орқали олиб ўтишда транспорт харажатларининг бир неча баробар ошганлигини эътиборга олсак, ўзимизни нефть ва ғалла билан таъминлашга қаратилган сиёсат бундан ҳам кўп маблағни тежаб қолишга мустаҳкам пойдевор бўлганлиги аёнлашади.

Марказий банк ва тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилди, Ўзбекистон учун янги бўлган саноат тармоқларининг ривожланишига асос яратилди. Улар орасида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асакадаги "GM Ўзбекистон" автомобиль заводи, қатор кимё ва бошқа корхоналар борки, улар ҳақли равишда иқтисодимизнинг байроқдорлари ҳисобланади.

### ЖАМИЯТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Келинг, шу ўринда тарихга бир назар ташлаймиз.

Ўзбекистон 1991 йилгача ўзининг алоҳида мустақил банк тизими ва мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш имкониятига эга эмас эди. Республикадаги пул-кредит сиёсати эса собиқ иттифоқ Давлат банки белгилаб берган қоида ва кўрсатмалар асосида амалга ошириларди. Бунда пул-кредит сиёсати тўлиқ марказлашган, ёпиқ характерга эга бўлиб, у тўғрисида бирон-бир маълумот ошкор этилмасди. Пул эмиссияси ягона марказдан амалга оширилар ва сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди.

Ўша даврдаги банк тизимининг яна бир оғриқли нуқтаси собиқ иттифоқ ҳудудида ички ҳисоб-китобларнинг чалкашликларга учраганлиги эди. Совет иттифоқидек катта ҳудудда автоматлаштириш даражасининг пастлиги сабаб банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар (МФО – филиалллараро айланма) тизими ноқулайликларни келтириб чиқарар, бир шаҳарда жойлашган банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳафталаб охирига етмай қолар эди.

Шу ўринда Президентимизнинг жамият қон томири — банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга қаратган алоҳида эътиборини фахр билан таъкидлаб ўтмоқ зарур. Негаки, Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврдаёқ, Юртбошимиз жасорати туфайли мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилди. Гап шундаки, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, қўшма ва юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида "Турон" бирлаштирув тижорат банки ташкил этилди.

### МУРАККАБЛИКЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банк тизими олдида ҳам ўта жиддий муаммолар мавжуд эди. Хусусан, макроиқтисодий вазиятнинг жиддий ёмонлашиши, собиқ иқтисодий макондаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши, ишлаб чиқариш ҳамда республикалараро савдо ҳажмларининг сезиларли қисқариши натижасида талаб ва таклиф мувозанатининг бузилиши, рублга асосланган пул муомаласининг ўта мураккаблашиши, муомалада нақд пулларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши, юқори даражадаги инфляциянинг юзага келиши, қолаверса, банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологиялар ва тўлов тизимининг мавжуд эмаслиги, ҳаттоки, оддий компьютер техникасининг йўқлиги, айниқса, янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси маҳаллий раҳбар ва мутахассисларининг тақчиллиги каби ўткир масалалар кўндаланг турар эди. Улар фақат муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрликлари ёрдамида муваффақиятли ҳал этилди.

Мустақиллик йилларида замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, соҳадаги ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991-2000 йилларда қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилди.

**Биринчидан**, пул-кредит ва банк тизимини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона орган, давлатнинг захира ва эмиссион муассасаси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилди, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим ёрдамчи корхоналар: Қоғоз фабрикаси, Босмахона, Зарбхона, шунингдек, Қимматбаҳо металлар агентлиги ва Республика инкассация бирлашмаси ташкил этилди.

**Иккинчидан**, тижорат банкларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ҳамда икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган тижорат банклари, шунингдек, қўшма ва чет эл банклари фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун билан мустаҳкамланган ваколатлари доирасида банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

**Учинчидан**, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги, миллий валютамиз — сўм муомалага киритилди. Бу мустақил самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди.

**Тўртинчидан**, мижозлар тақдим этган тўлов ҳужжатларини бир банк муассасасидан бошқасига почта орқали етказиш усулига асосланган эски тўлов тизими ўрнига МДҲ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб ҳар томонлама қулай, транзакциялар сони ва банклар ўртасидаги масофадан қатъи назар, тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга қодир бўлган замонавий электрон тўлов тизими ишга туширилди.

**Бешинчидан**, собиқ иттифоқ банк тизими фаолиятини тартибга соладиган, марказлаштирилган, режали иқтисодий тизим талаблари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бекор қилиниб, бозор иқтисодиёти тамойилларига хос бўлган махсус қонунлар ва банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи, халқаро стандартлар талабларига асосланган мукаммал меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

**Олтинчидан**, манфаатдорликни пасайтирадиган, молиявий воситачилик самарадорлиги ва кўламларини оширишга тўсқинлик қиладиган фоиз ставкалари ҳамда кредит миқдорлари бўйича лимитлар ўрнатиш каби чекловлар бекор қилиниб, банклар фаолиятини тартибга солишнинг билвосита инструментлари жорий қилинди.

**Еттинчидан**, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тўлиқ автоматлаштирилди, халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисоботлар тизимлари жорий этилди. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг банк фаолиятини лицензиялаш ва банкларни рўйхатга олиш, масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш услублари амалиётга татбиқ қилинди.

**Саккизинчидан**, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва уларнинг кафедралари, шунингдек, Банк-молия ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академиялари ҳамда хориждаги ўқув юртлари билан ҳамкорликда юқори малакали банк мутахассислари ва раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб боришнинг самарали тизими яратилди.

Умуман олганда, банк тизимида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991-2000 йилларда Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг ташкилий, ҳуқуқий асослари ва мукаммал инфратузилмаси шакллантирилди. Банклар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилишнинг халқаро андозаларга мос тизими вужудга келди.

### ЭРКИНЛАШТИРИШ, ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА БАРҚАРОРЛИК ШАРТЛАРИ

Ўтказилган ислоҳотларнинг учинчи ва тўртинчи босқичлари — 2001-2010 йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш, банк ишини такомиллаштириш, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва салоҳиятини ошириш, молия-банк сектори таркиби ва инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

## МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

**(Боши 1-саҳифада)**

Энг аввало, банк фаолияти янада эркинлаштирилиб, банк операциялари, хусусан, кредитлашни қадам-бақадам белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди, мижозларининг молиявий ҳолати, бизнес-режаларининг ҳаётийлиги, кредит таъминоти ликвидлиги ва бошқа сифатларига нисбатан талабларни белгилаш ваколати тижорат банкларининг ўзларига ўтказиб берилди, тижорат банклари молиявий ҳолати учун банк Кенгаши ва бошқарувининг жавобгарлиги оширилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларида кредитлаш жараёнлари оптималлашуви ва соддалашуви юз берди, банк акциядорларининг банкни бошқаришдаги масъулияти, роли ва аҳамияти ошди, банкларни бошқариш сифати яхшиланди. Ўз навбатида, соҳада рақобат муҳити кучайди ва пировардида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ошиб борди.

Айни чоғда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилди, муомаладаги товар-пул мувозанатини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг билвосита инструментлари фойдаланиш кўламлари янада кенгайтирилди. Ушбу босқичда очиқ бозордаги операцияларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар турларини кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахслар учун облигациялари муомалага чиқарилди.

Булардан ташқари, нақд пул муомаласини тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган нақд пул тушумининг банк кассаларига тўлиқ инкассация қилиниши ҳамда корхоналар ва аҳолининг нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи мурожаатига кўра таъминлаш борасидаги қонунчилик талаблари кучайтирилди. Ушбу жараёнларни мониторинг қилиш ва муаммо юзага келганда уни тезкор ҳал этишнинг самарали тизими шакллантирилди.

Аввало, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминловчи бирламчи асосий таянч тузилмалар, банкнинг корпоратив бошқарув органлари, шунингдек, ички аудит ва ички назорат хизматларининг фаолияти халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилди, ваколат ва масъулиятлари кескин кучайтирилди.

Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Бундай ташкилотларнинг молиявий барқарорлиги, ўз мажбуриятларини муддатида ҳамда тўлиқ бажариши Марказий банк томонидан қатъий ва талабчан банк назорати остига олинди. Шу билан бирга, аҳолининг банклардаги омонатларининг тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2002 йилда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Жамғармаси тузилди ва фуқароларнинг тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган банклардаги омонатларини ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қайтариш механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Банк сири тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши асосида эса, мижозлар тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сири маълумотлари тоифасига киритилиб, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда ўзига маъқулини танлаш имкониятини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисидаги кенг доирадаги маълумотларни эълон қилиниши йўлга қўйилди. Жумладан, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини ОАВда эълон қилиш юзасидан мажбуриятлари белгиланди.

Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада оширди ҳамда уларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига ёрдам берди.

Шулар баробарида валюта сиёсати эркинлаштирилди ва такомиллаштирилди, мамлакатимиз Халқаро валюта жамғармасининг миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақидаги Келишув моддалари бўйича мажбуриятларни қабул қилди.

Ички валюта бозорида эса сўм маблағларини конвертация қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ваколатли банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди. Буларнинг натижасида экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кўпайди, миллий валютамиз барқарорлигини таъминловчи халқаро захираларимиз миқдори ўсиб борди. Бугунги кунда халқаро захираларимиз миқдори Халқаро валюта жамғармаси талабидан бир неча маротаба зиёдни ташкил қилади.

Бундан ташқари, ички валюта бозорининг эркинлаштирилиши Ўзбекистон банкларининг Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишини таъминлади.

### ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС

Юртимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини бугунги кунда эришилаётган макроиқтисодий кўрсаткичларга назар ташлаган ҳолда яққол кузатишимиз мумкин. Хусусан, республикамиз иқтисодий ўсиш суръатлари 2012 йилда 8,2 фоизни, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 8 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсиб, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи тайёр товарлардан иборат бўлди.

Ҳали-ҳануз 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози талафотларидан сўнг ташқи қарз ва бюджет дефицити муаммоларига дуч келган қатор мамлакатлардаги номутаносибликларга ечим топилмаётган бир вақтда, республикамизнинг жами ташқи қарзлари жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ЯИМ ҳажмининг атиги 16 фоизини ташкил этди. Бу — Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг хулосасига қараганда, дунёда энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети эса 2005 йилдан буён ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилиб келинаётгани мамлакатимизда фискал сиёсатининг самарали ижро этилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқларида ташқи қарз тўғрисида билдирган фикрларини келтириш лозим:

"Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишни ҳисобга олмасак бу – катта гуноҳ бўлади".

Ҳали мустақилликка эришганимизга бир йил тўлмасдан туриб давлатимиз раҳбари томонидан айтилган бу башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар теран мушоҳадаларга асосланганлигини тараққиётимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи яққол тасдиқлаб турибди. Зеро, биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётни таркибан қайта қуриш ва уни жадал ривожлантиришни афзал кўрдик.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охирги ўн йил давомида банклар жами капиталини 9 баробардан зиёдга, охирги уч йил ичида 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан банк тизими умумий капитали ҳажми 23,6 фоизга ошди. Натижада бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир.

Банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичи охирги йилларда 65 фоиздан (2013 йил 1 июль ҳолатига кўра — 65,5 фоиз) юқори бўлиб, талаб этиладиган энг кам даражадан (30 фоиз) 2 баробардан ҳам зиёдни ташкил қилди. Ўз навбатида, республикамиз иқтисодиёти, шу жумладан, банк тизими фаолиятининг ижобий натижалари жаҳон ҳамжамияти ва халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2012 йил 28 ноябрь – 7 декабрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган миссияси ўз баённомасида қуйидагиларни эътироф этди:

**"Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларга эришишни давом эттирмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб тижорат банклари капиталининг етарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланмоқда.**

**Барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз жалб қилишдаги эҳтиёткорона ёндашув мамлакатни жаҳон инқирозининг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди".**

Яна бир катта эътироф – Буюк Британиянинг рискларни таҳлил қилиш билан шуғулланувчи "Мейплкрофт" консалтинг компаниясига тегишлидир. Ушбу нуфузли ташкилот томонидан эълон қилинган жаҳон мамлакатларининг узоқ муддатли инвестициялар учун жозибадорлик рейтингида жаҳоннинг 175 та давлати ичида Ўзбекистон биринчи 20 талик таркибга киритилди.

Бундай юксак баҳолар, мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизимини ривожлантиришда эришилаётган юқори натижалар Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва "ўзбек модели"нинг ниҳоятда тўғри ва самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётгани халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга бўлган "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан кетма-кет охирги уч йилда республикамиз банк тизимининг ривожланиш истиқболларига "барқарор" рейтинг даражаси берилди. "Стандарт энд Пурс" агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги "Фитч рейтингс" агентлиги томонидан ҳам эътироф этилди.

2010 йилда халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтингини олган тижорат банклари сони 13 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча 29 та банк шундай рейтинг баҳога эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, Халқаро валюта жамғармасининг охирги тадқиқотларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сонига кўра МДҲ мамлакатлари ўртасида етакчилик қилмоқда.

### ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони – 29 тани, уларнинг республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган филиаллари сони – 832 тани, минибанк ва махсус кассалари сони 4 мингтадан зиёдни ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Охирги 10 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банклардаги депозитлари ҳажми 30 мартага, шу жумладан, аҳоли омонатлари ҳажми 41 баробарга ошди. Охирги уч йил ичида банклардаги жами депозитларнинг ҳажми 2,6 баробарга, шу жумладан, аҳоли омонатлари 2,4 баробарга ортди. Натижада тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 23,1 трлн. сўмга етди.

Банк тизимига бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганини "Ижтимоий фикр" жамоатчилик марказининг ижтимоий тадқиқот натижалари ҳам тасдиқламоқда. Сўнгги ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 95 фоизи мамлакатимиз банкларига ишончи юқори эканлигини ҳамда жамғармаларини банкларда сақлашларини билдирган. Банкларнинг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётгани, ўз навбатида, банк тизимининг республика иқтисодиётини ривожлантиришга, банкларнинг инвестициявий фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2012 йилда банкларнинг жами активлари 30 фоиздан кўпроққа, сўнгги 10 йил ичида эса ушбу кўрсаткич 11 баробардан зиёдга, охирги 3 йилда эса 2,3 баробарга ошиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 37,1 трлн. сўмни ташкил этди. Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30,9 фоизга ортиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 21,3 трлн. сўмга етди.

Банкларнинг кредит портфели таркибидаги сифат ўзгаришлари натижасида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмалардаги салмоғи 79,2 фоизга етди. Муддати 3 йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоизга кўпайиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этмоқда. Умуман, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми сўнгги 10 йилда 9 мартага, охирги уч йилда эса 2,4 баробарга ошди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан ивестиция мақсадларига ажратилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 5,7 трлн. сўмни ташкил қилди. Охирги беш йилда инвестициявий кредитларнинг ҳажми 4 баробарга, охирги уч йилда эса 2,2 баробарга ошди.

Республикамиз тижорат банклари ўзларининг кредитлари билан иқтисодиётимиздаги стратегик ва муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани, айниқса, эътиборлидир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 3,45 трлн. сўмлик (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,31 марта кўп) инвестициявий кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

### МАҚСАД МОҲИЯТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк тизимида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун бир йилгача бўлган муддатга ажратилган имтиёзли кредитларнинг ҳажми 362,5 млрд. сўмни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 690,1 млрд. сўм миқдорда, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,2 баробар, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли бўлган замонавий технологик ускуналар ҳамда хомашё ва материалларни сотиб олишга 740,1 млрд. сўм миқдорида, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,3 баробар кўпроқ кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқ корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон банк-молия тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, ўтган йиллар давомида тижорат банклари балансига жами 170 та иқтисодий ночор корхона қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 429,2 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди.

Бунинг эвазига Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб борилган самарали ишлар натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланган 123 та корхона 995,5 млрд. сўмга янги инвесторларга сотилди. Шу билан бирга, тижорат банклари балансида қолган 47 та корхонадан 33 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 2,2 трлн. сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан, 601,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан тикланган корхоналарда кенг кўламдаги истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга ҳамда экспортга йўналтирилиб, республикамиз валюта захираларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

### ОБОД ТУРМУШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу дастур доирасида жами 320 млрд. сўмлик, шу жумладан, 15 мингта ёш оилага 81 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Бу маблағлар аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель анжомлари, маиший техника ва бошқа узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларни сотиб олишга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Умуман, аҳолига ажратилган истеъмол кредитларининг умумий ҳажми сўнгги уч йил мобайнида 2 баробардан зиёдга, шундан ёш оилаларга берилгани 2,4 баробарга ошди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарали йўлларидан бири, бу — тижорат банклари томонидан фуқароларга ипотека кредитларини ажратишдир. Мазкур соҳа Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташкилий пойдевор қўйилган.

Шуларга муштарак равишда "Қишлоқ қурилиш банки" ташкил этилди. Ушбу банк очилгандан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 1 трлн. 400 млрд. сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди.

### ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК ЭЪТИРОФИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция юқори савияда ташкил этилди. Унда қатнашган нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга юксак баҳо бериб, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳавас қилишга арзигулик эканини алоҳида эътироф этдилар.

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА МАДАД

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг ғоят муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг кўламлари тобора кенгайиб бормоқда. 2013 йилнинг 6 ойи давомида тижорат банклари томонидан 3,8 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарга кўпдир.

Жумладан, "Микрокредитбанк" томонидан устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манзилли қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу йўналишлар бўйича кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2013 йилнинг 6 ойи давомида 125,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баробарга ошди. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 2013 йилнинг 6 ойи давомида 60 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг олис ҳамда етиб бориш қийин, меҳнат ресурслари кўп бўлган туманлар ва шаҳарлардаги лойиҳаларни молиялаштириш учун жорий йилнинг 6 ойи давомида 23,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

### САЛОҲИЯТЛИ ЁШ АВЛОД — МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Иқтисодий ислоҳотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги муваффақият, асосан, кадрларга, уларнинг малакаси, ислоҳотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишига боғлиқдир. Шу ўринда Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти – охир-оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқ, деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Ушбу эзгу мақсадда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляптики, натижада соҳага юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш мутахассислар етказиб берилмоқда.

Хусусан, мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 26 июлида "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори билан "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом" тасдиқланди. Унинг талаблари асосида биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида республика тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 7 197 нафар талабага 19,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,8 баробар кўп таълим кредити ажратилди.

Бу эса, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишига, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишига моддий кўмакдир, албатта. Қолаверса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси асосида ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари кенгайтирилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланмоқда. Шу мақсадда уларнинг бизнес-лойиҳаларини республика тижорат банклари томонидан молиялаштиришга 2013 йилнинг 6 ойи давомида 54,1 млрд. сўм ёки ўтган 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида молиявий хизматлар кўрсатиш узлуксизлиги таъминланиб, тўлов айланмасида нақд пулсиз, жумладан, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

2012 йилда Юртбошимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзкарт" банклараро чакана тўлов тизими йўлга қўйилди.

Тижорат банклари томонидан мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматлари кўрсатиш, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2013 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар жами сони 190 мингдан зиёдни ташкил этди. Шундан интернет-банкинг ва "Банк-Мижоз" дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 46 124 нафарга етган бўлса, мобиль-банкинг ва смс-банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 144 минг нафарни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда банклар томонидан реал вақт режимида мобиль ва электрон алоқа воситалари орқали банк ҳисобварақлари эгаларига ушбу ҳисобварақлар тўғрисида маълумот олиш имкониятини берувчи мижозлар учун қулай бўлган хизмат турлари фаол жорий этилмоқда. Ўтган йилнинг охирида бундай хизматлардан фойдаланувчилар сони 92 мингтадан ошди ёки олдинги йилдагига қараганда ўсиш 1,6 бараварни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2010 йилнинг апрель ойида ташкил этилган "Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи олимлар, бизнесмен ва экспертлар иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган "ўзбек модели" тўғри танланганлигини эътироф этиб, уни амалга ошириш асосида эришилган натижаларга юқори баҳо бердилар.

Қолаверса, 2010 йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўплаб йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан, банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

Жаҳондаги глобал молиявий оқимлар ҳажмлари пасайишининг давом этиши, банк тизимлари учун ресурс етишмовчилиги муаммосининг чуқурлашиши ва қатор мамлакатлардаги қарз инқирозининг кучайиши жаҳон иқтисодиётига хавф солаётган ҳозирги даврда республика банк тизимининг капиталлашуви ҳамда ички ресурс базасини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, капиталлашуви, депозит базаси ва ликвидлигини ошириш ҳамда инвестициявий фаоллигини кучайтириш банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011—2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори бунда энг асосий дастуриламалдир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жабҳалари қатори, молия-банк соҳасида ҳам ўзининг ёрқин инъикосини топмоқда. Бу эса, табиийки, юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ҳар қандай, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор юксалтириб боришга хизмат қилаётир. Зеро, мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг соҳага бўлган беқиёс эътибори билан мамлакатимизда халқаро андозалардаги мукаммал ва замонавий банк-молия тизими яратилди. Бундан кейинги тараққиётимиз, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон банк тизимининг янада барқ уриб ривожланишини таъминлайди. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бунга қатъий ишонч уйғотади.

**Ф.МУЛЛАЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.**

Қорақалпоғистон Республикаси

▼ МАҲАЛЛА: КЕЧА ВА БУГУН

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, унинг туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.**



*Нукус шаҳар Қурувчи маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Загифа Сапарбоева, фуқаролар йиғини раиси Ўғилхон Дурумбетова ва маҳалла фаоли Гулнора Давлетназарова.*

– Ушбу тадбирларда маҳаллаларда маънавий-ахлоқий барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот масалаларини кучайтириш, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг аҳамиятини очиб беришга алоҳида этибор қаратилмоқда, – дейди Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Қожабай Елмуратов. – "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамияти ҳақида ўтказилган учрашувларда 15 мингдан ортиқ аҳоли иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан қўшма режа ишлаб чиқилиб, мазкур режа асосида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш юзасидан фуқаролар йиғинларида соғлом оила қуриш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва тарбиялаш, хотин-қизлар ва никоҳдан ўтувчи ёшлар орасида тиббий кўрикнинг аҳамияти, қизларни ёш, балоғатга етмасдан турмушга бериш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш каби йўналишларда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда ўзбек курашини янада ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмонан бақувват бўлиб ўсишига шароит яратиш, уларнинг ёзги дам олиш кунларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида кураш бўйича "Маҳалламиз паҳлавонлари" республика турнири, спортнинг футбол турини кенг оммалаштиришга қаратилган аънанавий "Футболимиз келажаги" республика кубоги мусобақасини ўтказиш бўйича ҳамкор ташкилотлар иштирокида қўшма тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мусобақаларнинг туман ва шаҳар босқичлари давом этмоқда.

Туман ва шаҳар аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига жамғарма ҳисобидан 5 млн. сўмлик, "Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни" муносабати билан 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига совғалар топширилди. "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари, мактаб интернатлари тарбияланувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, якка-ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларга "Маҳалла муруввати" МЧЖ томонидан тайёрланган 13,6 млн. сўмлик маҳсулотлар туман ва шаҳар бўлинмалари орқали тарқатилди. "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Ўзбек жанг санъати" спорт мусобақалари иштирокчилари "Маҳалла мурувввати" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган спорт кийим-кечаклари ва футбол тўплари, ёлғиз кексалар ва ногиронлар 11,0 млн. сўмлик реабилитация воситалари, ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари, қўлтиқ таёқлар билан таъминланди.

Болалар майдончаларини қайта таъмирлаш ва янгиларини қуриш бўйича "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил Амударё туманидаги Янгиобод ва Дарё бўйи маҳалла фуқаролар йиғинларида янги болалар майдончалари фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг томорқадан унумли фойдаланишини ташкил этиш бўйича йиғинлар томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда таҳлил қилиниб, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиб борилмоқда. Унга кўра, Оролбўйидаги 247855 та хонадон ихтиёрида 32353 гектар томорқа ери мавжуд бўлиб, шундан 7444 гектарига сабзавот, 2620 гектарига картошка, 7731 гектарига полиз, 208 гектарига дуккакли, 14351 гектарига бошқа экинлар, 1453 гектарига мевали дарахтлар экилиб, 3,1 гектарида иссиқхона ташкил этилган.

Шунингдек, маҳаллаларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар доирасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш давом этмоқда.



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида Амударё туманидаги Қиличбой овул фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади ва мамлакат босқичига йўлланма олди.

**СУРАТДА:** *Амударё тумани Қиличбой овул фуқоралар йиғини раиси Баҳром Қодиров фаоллар Раъно Жуманиёзова, Робия Жапакова ва Озодбой Раҳимов билан.*

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

○ Эълонлар

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Сурхондарё вилояти Термиз тумани "Учқизил" ҚФЙ "Учқизил" маҳалласида МХХ бошқармаси хизматчилари учун №1 яшаш уйи қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 146,312 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 121,926 млн. сўм, **қурилиш муддати** – 180 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. **Манзили:** Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. **Тел.:** (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - **«Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

---

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНЛИ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2013 ЙИЛ 20 МАЙДАН 2 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МУДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

**Андижон вилоятида 01.08.2013 й. Избоскан туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Избоскан тумани Избоскан ҚФЙ Бешмирза МФЙдаги сатҳи 28 кв.м., савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 8 318 сўм, сотилиш баҳоси — 20,0 минг сўм. 2. Избоскан тумани Избоскан ҚФЙ Бешмирза МФЙдаги сатҳи 28 кв.м., савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 8 318 сўм, сотилиш баҳоси — 20,0 минг сўм. 3. Избоскан тумани Избоскан ҚФЙ Бешмирза МФЙдаги сатҳи 28 кв.м., савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 8 318 сўм, сотилиш баҳоси — 20,0 минг сўм.

**Навоий вилоятида 20.05.2013 й. Навоий шаҳридан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Навоий шаҳар 18-даҳасидаги сатҳи 830 кв.м., кўп қаватли турар-жой биноси қуриш учун 3-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 625 888 сўм, сотилиш баҳоси — 50 000,0 минг сўм. 2. Навоий шаҳар 18-даҳасидаги сатҳи 1 240 кв.м., кўп қаватли турар-жой биноси қуриш учун 4-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 934 464 сўм, сотилиш баҳоси — 40 000,0 минг сўм. 3. Навоий шаҳар 18-даҳасидаги сатҳи 1 280 кв.м., кўп қаватли турар-жой биноси қуриш учун 5-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 964 608 сўм, сотилиш баҳоси — 3 500,0 минг сўм. **24.05.2013 й. Хатирчи туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Хатирчи тумани Чинобод уй-жойлар массивидаги сатҳи 36 кв.м., сартарошхона қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 15,105 минг сўм, сотилиш баҳоси — 35,0 минг сўм. 2. Хатирчи тумани Қорача ҚФЙ Каттасой МФЙ ҳудудидаги сатҳи 200 кв.м., савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 62,92 минг сўм, сотилиш баҳоси — 62,92 минг сўм. **06.06.2013 й. Хатирчи туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Хатирчи т. Олтинсой ш/х Майдонсой қишлоғидан сатҳи 2 000 кв.м., АЁҚШ қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 629,4 минг сўм, сотилиш баҳоси — 700,0 минг сўм. 2. Хатирчи т. Олтинсой ш/х Майдонсой қишлоғидан сатҳи 3 500,0 кв.м., тўйхона қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 1 101,45 минг сўм, сотилиш баҳоси — 1 250,0 минг сўм. 3. Хатирчи т. Ўзбекистон ҚФЙ Кориз Араб МФЙ сатҳи 932,0 кв.м., маиший хизмат ва автотеххизмат биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 293,3 сўм, сотилиш баҳоси — 320,0 минг сўм. 4. Хатирчи т. Ўзбекистон ҚФЙ А.Темур массивидаги сатҳи 600,0 кв.м., минимаркет қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 188,82 минг сўм, сотилиш баҳоси — 230,0 минг сўм. **19.07.2013 й. Навбаҳор туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 24 кв.м., савдо дўкони биноси қуриш учун 29-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 12 648 сўм, сотилиш баҳоси — 150,0 минг сўм. 2. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 24 кв.м., савдо дўкони қуриш учун 30-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 12 648 сўм, сотилиш баҳоси — 200,0 минг сўм. 3. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 24 кв.м., савдо дўкони қуриш учун 44-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 12 648 сўм, сотилиш баҳоси — 200,0 минг сўм. 4. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 36 кв.м., савдо дўкони қуриш учун 58-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 18 972 сўм, сотилиш баҳоси — 350,0 минг сўм. 5. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 36 кв.м., савдо дўкони қуриш учун 59-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 18 972 сўм, сотилиш баҳоси — 300,0 минг сўм. 6. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 50 кв.м., савдо дўкони қуриш учун 60-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 26,35 минг сўм, сотилиш баҳоси — 250,0 минг сўм. 7. Навбаҳор тумани Бешработ қўрғонидаги сатҳи 50 кв.м., савдо дўкони қуриш учун 61-сонли ер участкаси, бошланғич баҳоси — 26,35 минг сўм, сотилиш баҳоси — 200,0 минг сўм. **31.07.2013 й. Хатирчи туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Хатирчи т. Боғчакалон ҚФЙ Янги қурилиш уй-жойлар массивидаги сатҳи 800 кв.м., минимаркет биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 125,88 минг сўм, сотилиш баҳоси — 400,0 минг сўм. 2. Хатирчи т. Янгирабод ш. Парахун маҳалласидаги сатҳи 500 кв.м., оналар ва болалар соғломлаштириш маркази биноси қуриш учун ер участкаси, бошланғич баҳоси — 209,8 минг сўм, сотилиш баҳоси — 320,0 минг сўм.

**Фарғона вилоятида 23.07.2013 йилда Бешариқ туманидан сотилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқлари:** 1. Бешариқ тумани Рапқон ҚФЙ Рапқон қишлоғи 1-зона ҳудудидаги сатҳи 1 200,0 кв.м., сунъий қопламали футбол майдончаси қуриш учун, бошланғич баҳоси — 413 340 сўм, сотилиш баҳоси — 700 000 сўм. 2. Бешариқ тумани Қашқар ҚФЙ Янги қўрғон қишлоғи 2-зона ҳудудидаги сатҳи 60,0 кв.м., савдо дўкони қуриш учун, бошланғич баҳоси — 14 976 сўм, сотилиш баҳоси — 30 000 сўм. 3. Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Сартол қишлоғи 1-зона ҳудудидаги сатҳи 49,0 кв.м., савдо дўконига қўшимча бино қуриш учун, бошланғич баҳоси — 16 878 сўм, сотилиш баҳоси — 50 000 сўм. 4. Бешариқ тумани Бешариқ ҚФЙ Деҳқонтўда қишлоғи 2-зона ҳудудидаги сатҳи 2 500,0 кв.м., қўйхона қуриш учун, бошланғич баҳоси — 624 000 сўм, сотилиш баҳоси — 700 000 сўм. 5. Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Узун қишлоғи 2-зона ҳудудидаги сатҳи 800,0 кв.м., иссиқхона қуриш учун, бошланғич баҳоси — 199 680 сўм, сотилиш баҳоси — 300 000 сўм. 6. Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Узун қишлоғи 1-зона ҳудудидаги сатҳи 75 кв.м., маиший хизмат ва ошхона қуриш учун, бошланғич баҳоси — 25 834 сўм, сотилиш баҳоси — 80 000 сўм. 7. Бешариқ тумани Товул ҚФЙ Узун қишлоғи 1-зона ҳудудидаги сатҳи 75 кв.м., маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, бошланғич баҳоси — 25 834 сўм, сотилиш баҳоси — 70 000 сўм. 8. Бешариқ тумани Ватан ҚФЙ Увада қишлоғи 1-зона ҳудудидаги сатҳи 800,0 кв.м., маҳалла гузари қуриш учун, бошланғич баҳоси — 413 340 сўм, сотилиш баҳоси — 500 000 сўм.

---

○ Эълонлар

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Пахтакор тумани ҳокимининг 30.07.2013 йилдаги 02-242-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда.**

**1.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун, Пахтакор тумани Олмазор ҚФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони 30,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 9 546 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтакор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 22 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 23 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 23 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 23 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 10 сентябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 9 сентябрь соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 10 сентябрь куни соат 10:00 да очилади, 2013 йил 10 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ «Ипотекабанк» Жиззах вилояти филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. Ҳ/р: 22626000804920609001; МФО: 00122; СТИР: 207122519.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*– танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй. **Тел./факс:** (8-372) 222-34-16, rieltsavdo@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия:** RR-0001.

---

*Вниманию организаций и предприятий!*

## ООО «ХУЖАКУЛ ЭШОН БОБО» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА ОБЪЕКТ:

**«Строительство дехканского рынка «Хужакул Эшон бобо» и торгового комплекса на территории ССГ «Янги йул» Хатирчинского района Навоийской области» (1-ый этап строительства).**

Стартовая стоимость заказчика **без НДС 826 979 593 сум, с НДС 992 375 511 сум.**

Срок завершения строительства - **3 месяца**.

**Заказчик** ООО «Хужакул Эшон бобо».

**Расположенный** в Хатирчинском районе.

Финансирование осуществляется **за счет спонсорских средств подразделений АК «Уздонмахсулотлари» и средств местного бюджета.**

*(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)*

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Наманган Вилояти

«ЁЗГИ ТАЪТИЛ–2013»

**Наманган вилоятининг сўлим ҳудудларидан бирида қад ростлаган “Камалак” оромгоҳи 2013 йилга мўлжалланган Манзилли дастур асосида қайта бунёд этилди.**

## КАМАЛАКДАН НУР ОЛИБ, КАМАЛАКДЕК ТОВЛАНИБ...

Хусусан, оромгоҳда 5 та ётоқ биноси тўлиқ капитал реконструкция қилиниб, том қисми янгитдан замонавий металл черепица билан ёпилди. Ошхона, маънавият, тиббиёт хонаси, киноклуб, бассейн, душхона, ҳожатхона тўлиқ таъмирланди. Йўлаклар асфальтланиб, канализация тармоғи ишга туширилди. Ота-оналар учун шинам кутиш айвончаси барпо этилди. Бу каби бунёдкорлик ишларига 1,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Дам олаётган ўғил-қизларнинг хорижий тиллар ва компьютер бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида махсус синфлар ташкил этилиб, зарур техникалар билан жиҳозланди. 10 га яқин тўгарак ташкил этилди. Кутубхона эса 2000 дан ортиқ китоб билан таъминланди.

Оромгоҳдаги барча хоналар энг замонавий мебель, ошхона жиҳозлари, маиший техника воситалари билан жиҳозланди. Кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари билан бирга болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жонли бурчаклар ташкил этилди.

Ҳозирда бу ерда 300 нафарга яқин бола ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

# ХАСТА БЎЛМАСДАН ТУРИБ...

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС



Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтиришга, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Асосийси, истиқлол йилларида соҳада амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад – инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганидир.

1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури изчил рўёбга чиқариляпти. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” ғоясини ўзида мужассам этган дастур доирасидаги чора-тадбирлар ҳам шу жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир.

Юртимизда бутун жаҳон аҳли саломатлигига хавф солаётган касаллик ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларда ҳам шу мақсад мужассамлашгандир. Хусусан, ОИВ/ОИТС хасталиги аломатларини аниқлаш ва даволашга оид тиббиёт муассасалари, ихтисослаштирилган марказлар, клиникаларнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Бу ОИВ инфекциясини иммунофермент анализ, иммуноблот тест-тизим, полимераз занжирли реакция каби энг замонавий усуллар билан эрта, тез ва бехато аниқлаш, ретровирусга қарши даволаш муолажаларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор халқаро ташкилотлар билан биргаликда ОИВ инфекциясига қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш масалаларига бағишланган учрашувда шулар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БМТ Тараққиёт дастурининг ОИВга қарши кураш бўйича лойиҳасини амалга ошириш доирасида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, экспертлар, шифокорлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисининг ўринбосари Н.Миродилова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш ва профилактикасини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари, бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, барча таълим муассасаси ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган “Ораста қизлар” тўгараги маънавий-ахлоқий тарбияга доир ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Касалликка қарши курашишда профилактик тадбирлар ўтказиш ва беморларни белгиланган тартибда даволаш энг самарали усулдир, – дейди Тошкент шаҳар ОИТС маркази мутахассиси Зулфия Абдураҳмонова. – Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу касалликни юқтириш ҳолатларининг эллик фоизи 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган кишиларга тўғри келади. Бу бугунги ҳаётнинг барча соҳалари жадал ривожланаётган шароитда ёшлар ОИВ инфекциясини юқтирувчи ўта хавфли гуруҳга айланиши мумкин дегани. Шу боис, аҳолига, айниқса, ёшлар орасида репродуктив саломатлик хусусида кўпроқ тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш жоиз. Бунда бизга маҳалла фаоллари, Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари катта ёрдам бериб келаётир. Улар кўмагида ташкил этилаётган тадбирларда жамиятимизга ёт бўлган иллатлар, улар ортидан келиб чиқадиган мазкур хасталикларнинг оқибатлари хусусида батафсил тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ОИВ инфекцияси юқишининг олдини олиш борасида олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик самараси ўлароқ, кейинги йилларда ушбу хасталикка чалиниш ҳолатлари камайишига эришилди.

Шунингдек, тадбирда соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, юқумли хасталикларнинг олдини олишда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий саводхонлиги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларидан ҳам самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ютуқлар эътироф этилган ҳолда бугунги кунда эрта никоҳ ва эрта ҳомиладорликни, ОИВ инфекцияси юқишининг олдини олиш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди. Бу борада аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йил сайин кенгайиб бораверади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ:



# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2013 йил август-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш,ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаҳҳиҳ, рассом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Йилнинг энг яхши китоби” V Республика кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилишини эълон қилади:**

1. «ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТ»;
2. «ВАТАН ТАРИХИ»;
3. «ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН МУМТОЗ АДАБИЁТИ»;
4. «БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР АДАБИЁТИ»;
5. «АРТ КИТОБ».

**Танловга қўйилган нашрларнинг қуйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:**

*- маъно-мазмуни, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;*

*- таҳририй-ноширлик даражаси;*

*- дизайнининг оригинал ечими ва бадиий ечимларининг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;*

*- матбаа ижросининг сифати;*

*- нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамияти.*

Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданига бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2013 йилнинг 20 октябригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2013 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон матбуоти” III Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга танловнинг махсус дипломлари тантанали равишда топширилади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан қуйидаги манзил бўйича: **Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига** юборилсин.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 244-12-61, 244-31-85.**

○ Реклама ва эълонлар

gef | SGP The GEF Small Grants Programme | UNDP Uzbekistan | ECOSAN | O'ZBEKISTON | O'ZBEKISTON FERMERLARI KENGASHI | ТИМИ

## «БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ – 2013» – ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЭФ КГДнинг ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА АМАЛИЙ СЕМИНАРЛАРИ ИННОВАЦИЯЛАР – МАМЛАКАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН РАЦИОНАЛ ЕЧИМЛАР

**2013 йилнинг 20-21 август кунлари Тошкент шаҳрида «Билимлар ярмаркаси» бўлиб ўтади. Ярмарка доирасида БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) Глобал экология фондининг Кичик грантлар дастури (ГЭФ КГД) кўмагида жорий этилаётган ва намойиш қилинаётган инновацион технологиялар бўйича туркум тренинг ва тақдимотлар ўтказилади. Ярмарка режасига ердан унумли фойдаланиш технологияси ва амалиётлари, суғоришнинг самарали технологияларини қўллаган ҳолда суғориш сувидан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия ишлаб чиқарувчи минитехнологиялар, мамлакатнинг биохилмахиллик хизматлари ва табиий ресурслари потенциалидан барқарор фойдаланиш бўйича тақдимотлар ва ўқув семинарлари ўтказиш киритилган. Ярмаркада Ўзбекистондаги ГЭФ КГД фаолиятининг турли соҳалари бўйича 17 та инновацион технология тақдимотини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Улар сирасига дастур муваффақиятли амалга оширилган ва мамлакатда кенг қўлланилаётган технологиялар баробарида халқ хўжалигида кейинчалик қўллаш учун синаб кўрилиши керак бўлганлари ҳам киради. Улар орасида қуйидагилар бор:**

- ерни ҳайдамай деҳқончилик қилиш;
- озуқа экинларини 4 та далада алмашлаб экиш;
- ирригация каналларини изоляциялаш;
- кеча-кундузлаб суғориш;
- лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш;
- фитомелиорация;
- томчилатиб суғориш;
- биогаз технологияси;
- кичик гидростанциялар;
- энергияни тежовчи (қуёш) иссиқхоналари;
- энергияни тежовчи печлар;
- тупроғи емирилаётган жойларда индигоферани етиштириш ва унинг биотехнологияси;
- Ўзбекистонда тез кўпаядиган сув экинларининг истиқболи;
- SERHOSIL – майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида;
- Тупроқнинг ҳосилдор қатламини сақлаш ва емирилиши олдини олиш учун асқотадиган қатор дарахтзорлар;
- Хандон писта плантациялари – Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ҳудудларидан самарали фойдаланиш;
- Ҳосилдорликни ошириш учун керак бўладиган асаларичилик.

Ярмарка тингловчилари ва меҳмонларини ўз технологиялари билан уларни бевосита синаб кўрган ва жорий қилган фермерлар, ННТ вакиллари ва олимлар таништиради. Ярмаркага мамлакатнинг барча вилоятларидаги фермерлар, вазирлик, идоралар, сиёсий партиялар вакиллари, ўқув юртлари раҳбарлари, КГД ҳамкорлари ва барча истаган кишилар таклиф этилади.

Ярмарка БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) ёрдами, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бевосита ва ахборот кўмаги, “Экосан” халқаро хайрия жамғармаси кўмагида ҳамда Тошкент Ирригация ва мелиорация институти мадади билан, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Хоразм Агроконсультация маркази (KRASS), мамлакатдаги илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Кичик грантлар дастури барча истовчиларни «Билимлар ярмаркаси»га таклиф қилишни шараф деб билади, у ерда ҳар бир киши мутахассисларнинг ўзидан қимматли тажриба ўрганиши ҳамда уни табиатни асраш ва одамлар турмуш шароитини яхшилаш йўлида ишлатиши мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш учун мурожаат қилинг:**
**ГЭФ Кичик Грантлар Дастури**
тел.: + 998 71 120 34 50 (ext 215), моб.: + 998 93 501 52 21, факс: + 998 71 120 34 85
http://www.sgp.uz e-mail: makhsad.bauetdinov@undp.org

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИЯ ФОНДИ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИНИНГ (ГЭФ КГД) «БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ»НИ ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ

**Сана:** 2013 йил 20-21 август кунлари. **Ўтказиш жойи:** Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй

| Вақти | Тадбир | Ўтказиш жойи |
|---|---|---|
| | **20 август – биринчи кун** | |
| 09:00 – 09:20 | Рўйхатга олиш ва йиғилиш | |
| 09:20 – 09:40 | Ярмарканинг очилиши | |
| | **Кутловлар:**<br>М.Хамидов — Тошкент Ирригация ва Мелиорация Институти Ректори<br>Стефан Приснер — БМТ ТДнинг доимий вакили, БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси<br>К.Содиқов — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари<br>С.Турдиев — Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси | Конференц-зал Холл |
| 09:40 – 10:00 | Кўргазмани кўриб чиқиш | |
| 10:00 – 11:00 | 1. «Тупроқни ҳайдамай деҳқончилик қилиш – қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 11:15 – 12:15 | 2. «Озуқа экинларини 4 майдонли алмашлаб экиш – ўша ернинг ўзидан 3 марта кўп озуқа олиш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 13:30 – 14:30 | 3. «Сув ва энергияни тежаш мақсадида ирригация каналларини изоляциялаш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 14:40 – 15:40 | 4. «Кеча-кундузлаб суғориш – сувни тежаш ва уни фермерлар ўртасида адолатли тақсимлаш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 15:50 – 16:50 | 5. «Ҳосилдорликни ошириш ва ресурсларни тежаш мақсадида лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 17:00 – 18:00 | 6. «Фитомелиорация – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш намунаси сифатида» тақдимоти | 1-аудитория |
| 10:00 – 11:00 | 1. «Томчилатиб суғориш – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун зарурат» тақдимоти | 2-аудитория |
| 11:15 – 12:15 | 2. «Биогаз технологияси фермер хўжаликларидаги энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг муқобил ечими сифатида» тақдимоти | 2-аудитория |
| 13:30 – 14:30 | 3. «Маҳаллий бизнес ва аҳоли эҳтиёжлари учун кичик гидростанциялар» тақдимоти | 2-аудитория |
| 14:40 – 15:40 | 4. «Иситиш учун электр қувватидан фойдаланмайдиган энергияни тежовчи (қуёш) иссиқхоналар» тақдимоти | 2-аудитория |
| 15:50 – 16:50 | 5. «Ўрмонларни кесилишдан сақлаб қоладиган энергияни тежовчи печлар» тақдимоти | 2-аудитория |
| 10:00 – 10:20 | 1. «Тошкент Ирригация ва Мелиорация Институти инновацион технологиялари» тақдимоти | 3-аудитория |
| 10:20 – 11:00 | 2. «Емирилаётган ерларда Индигоферани етиштириш ва унинг биотехнологияси» тақдимоти | 3-аудитория |
| 11:15 – 12:15 | 3. «Ўзбекистонда тез ўсадиган сув экинларини ривожлантириш» тақдимоти | 3-аудитория |
| 13:30 – 14:30 | 4. «SERHOSIL – майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида» тақдимоти | 3-аудитория |
| 14:40 – 15:40 | 5. «Тупроқнинг ҳосилдор қатламини сақлаш ва емирилиш олдини олиш учун зарур бўлган қатор ўрмонлар» тақдимоти | 3-аудитория |
| 15:50 – 16:50 | 6. «Хандон писта плантациялари – Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланишнинг янги ечими» тақдимоти | 3-аудитория |
| 17:00 – 18:00 | 7. «Ҳосилдорликни оширишга мўлжалланган асаларичилик» тақдимоти | 3-аудитория |
| | **21 август – иккинчи кун** | |
| 09:00 – 10:00 | 1. «Ҳосилдорликни ошириш ва ресурсларни тежаш мақсадида лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 10:10 – 11:10 | 2. «Сув ва энергияни тежаш мақсадида ирригация каналларини изоляциялаш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 11:25 – 12:25 | 3. «КРАСС» ННТнинг халқ хўжалиги учун инновацион ишланмалари» тақдимоти | 1-аудитория |
| 14:00 – 15:00 | 4. «Тупроқни ҳайдамай деҳқончилик қилиш – қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш учун тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш» тақдимоти | 1-аудитория |
| 15:10 – 16:10 | 5. «Фитомелиорация – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш намунаси сифатида» тақдимоти | 1-аудитория |
| 09:00 – 10:00 | 1. «Маҳаллий бизнес ва аҳоли эҳтиёжлари учун кичик гидростанциялар» тақдимоти | 2-аудитория |
| 10:10 – 11:10 | 2. «Иситиш учун электр қувватидан фойдаланмайдиган энергияни тежовчи (қуёш) иссиқхоналар» тақдимоти | 2-аудитория |
| 11:25 – 12:25 | 3. «Ўрмонларни кесилишдан сақлаб қоладиган энергияни тежовчи печлар» тақдимоти | 2-аудитория |
| 14:00 – 15:00 | 4. «Томчилатиб суғориш – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун зарурат» тақдимоти | 2-аудитория |
| 15:10 – 16:10 | 5. «Биогаз технологияси фермер хўжаликларидаги энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг муқобил ечими сифатида» тақдимоти | 2-аудитория |
| 09:00 – 10:00 | 1. «SERHOSIL – майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида» тақдимоти | 3-аудитория |
| 10:10 – 11:10 | 2. «Тупроқнинг ҳосилдор қатламини сақлаш ва емирилиш олдини олиш учун зарур бўлган қатор ўрмонлар» тақдимоти | 3-аудитория |
| 11:25 – 12:25 | 3. «Хандон писта плантациялари – Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланишнинг янги ечими» тақдимоти | 3-аудитория |
| 14:00 – 15:00 | 4. «Ҳосилдорликни оширишга мўлжалланган асаларичилик» тақдимоти | 3-аудитория |
| 16:15 – 16:30 | Кўргазманинг ёпилиши | Конференц-зал |

Эслатма: Кўргазма билимлар ярмаркаси давомида узлуксиз ишлайди.
Турли технологиялар бўйича тақдимот учта алоҳида аудиторияда бўлиб ўтади.

“DIYOR ALFA” масъулияти чекланган жамиятининг Устав жамғармаси 10 000 000 сўмдан 3 500 000 сўмгача камайтирилади.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “BARAKA DON SAVDO” МЧЖнинг устав фонди 670 750 000 сўмдан 236 750 000 сўмга камайтирилади. “BARAKA DON SAVDO” МЧЖнинг устав фонди 434 000 000 сўм деб белгиланди. Тел.: +99893 585-61-39.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (16.10.2008 й., реестр № 002484-01) рўйхатдан ўтган “NIM-TAYYORLOV SAVDO” МЧЖ (ИНН 300963899) устав фонди 98 140 000 сўмдан 74 106 725 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (11.05.2012 й., реестр № 00517-01) рўйхатдан ўтган “PO`LAT-YO’LDOSH” хусусий корхонасининг (ИНН 200661494) мулкчилик шакли “PO`LAT-YO’LDOSH” МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 002756-08, 05.03.2007 й.) рўйхатдан ўтган “Росагропромснаб” МЧЖ (ИНН 204859267) устав фондини 366 982 230,00 сўмдан 361 963 470,00 сўмга камайтирилганини маълум қилади.

“G`ULOM SARDOR” МЧЖ (СТИР 301611084) устав фонди 7 492 581 сўмдан 4 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Даъво аризалари Тошкент вил. Зангиота т. Эшонгузар ҚФЙ Мустақиллик кўч. 20-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Компания “ARHAT CONSULTING” (ИНН 205425165), зарегистрированная отделом регистрации субъектов предпринимательства г. Ташкента Шайхантахурского р-на, расположенная по адресу: г. Ташкент ул. Писателей, 24, ликвидируется (решение учредителей “ARHAT CONSULTING”). Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 244-84-83.

Утерянная книга учета доходов и товарных операций индивидуального предпринимательства, выданный налоговой инспекцией Шайхантахурского р-на г. Ташкента на имя Зайниддинзоды Умида Зиёвиддин угли, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: Чиланзар р-н ул. Мукими 138-8, выданный Чиланзарским БТИ на имя Дусаевой Нигорь Саитовны, считать недействительным.

СП ООО “NATIONAL PLAST” объявляет тендер на реконструкцию и наладку производственного оборудования (экструдеров). А также приобретёт производственное оборудование – экструдер и чиллеры для охлаждения оборудования. Предложения отправлять на факс (+99871) 221-41-26.

Утерянное единое удостоверение RO’Z № 000657 (20.05.2013 г.) на право бесплатного проезда в городском пассажирском транспорте, выданное Департаментом по лицензированию и координации движения всех видов пассажирского транспорта хокимията г. Ташкента на имя: ABDULLAEV RAVSHAN SAYDULLAYEVICH, считать недействительным.

Утерянный диплом Э-I № 473103 выданный 26.04.1976 г. Ташкентским гидромелиоративным техникумом им. В.А.Былбася на имя Лигай Руслана Ирсановича, считать недействительным.

**Паррандачилик фермалари (фабрикалари), балиқчилик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

**Қуйидагиларни сотамиз:**
- Суяк ва гўштли суяк уни (товуқ учун).
- Натрий гипохлорит (суюқ ҳолатда) ва кальций кукуни.
- Пойдеворда ва том ёпишда қўлланиладиган муҳофазаловчи материал – полиизол (фольгоизол).
- Кир ювиш кукуни, идиш-товоқ ювиш учун гель.

«ODDE-AG» Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. моб. +99890 925-99-40 тел. +99871 279-40-30 Факс: +99871 120-70-30 E-mail: odde@mail.ru

Маҳсулотлар сертификатланган.

“Агробанк” ОАТБ жамоаси банкнинг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Барака Толибовга укаси **Элмурод ТОЛИБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Н.ТИЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-814, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.00 15645 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5